**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**
**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**
**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ**
**ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
**DSc.27.06.2017. Fil.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЙЎЛДОШЕВ УЛУҒБЕК РАВШАНБЕКОВИЧ**

# ҲАЖВИЙ МАТНЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ ЛИНГВОСТИЛИСТИК ВА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ (ИНГЛИЗ ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИНГАН ЎЗБЕК ХАЛҚ ЛАТИФАЛАРИ МИСОЛИДА)

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017 йил**

**УДК:** 811.512.133`1`255.4
811.111`1`255.4

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological sciences**

**Йўлдошев Улуғбек Равшанбекович**
Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида)...................................................... 3

**Юлдашев Улугбек Равшанбекович**
Лингвостилистические и лингвокультурологические особенности перевода сатирических текстов (на примере узбекских народных анекдотов, переведенных на английский язык).................................... 19

**Ulugbek Yuldoshev Ravshanbekovich**
Linguostylistic and Linguocultural Peculiarities of Translation of Humorous Texts (on examples of Uzbek National Anecdotes Translated into English)…………………………………………………………… 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of published works ………………………………………………….. 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Fil.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЙЎЛДОШЕВ УЛУҒБЕК РАВШАНБЕКОВИЧ**

# ҲАЖВИЙ МАТНЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ ЛИНГВОСТИЛИСТИК ВА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ (ИНГЛИЗ ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИНГАН ЎЗБЕК ХАЛҚ ЛАТИФАЛАРИ МИСОЛИДА)

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017 йил**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Fil22 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг http://www.tashgiv.uz/ ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий маслаҳатчи:** | **Мўминов Омон Мўминович**<br>филология фанлари номзоди, доцент |
| **Расмий оппонентлар:** | **Қуранбеков Аҳмадқул**<br>филология фанлари доктори, профессор |
| | **Турдиева Нилуфар Ёкубовна**<br>филология фанлари номзоди |
| **Етакчи ташкилот:** | **Ўзбекистон Миллий университети** |

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» __________ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233–45–21; факс: (99871) 233–52–24; e–mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( __ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233–45–21.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» __________ куни тарқатилди.
(2017 йил «____»_____________ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Маннонов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.Ш. Омонов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

**Г.Х.Боқиева**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таржимашунослигида халқларнинг миллий маданияти, тарихи, урф-одатлари, турмуш тарзи, анъаналари ва миллий қадриятларини ўзида мужассам этган асарларни хорижий тилларга таржима қилишга ва шу орқали халқаро адабий алоқаларни ўрнатишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳажвия ҳам миллий маданият тушунчаси таркибидаги компонентлардан биридир. Сўнгги йилларда миллат маданиятини англатувчи ҳажвий матнларга оид илмий тадқиқотлар кўлами таржимашунослик, тилшунослик, маданиятшунослик, социология соҳаларида янада ортиб бормоқда. Хусусан, таржимашуносликда ҳажвий матнларни таржима қилишнинг миллий-маданий хусусиятлари, ҳажвияни таржима қилиш стратегиялари, латифаларни ўгиришда таржима эквивалентлиги ва адекватлиги параметрлари, таржима ва воситачилик орқали тилларaро алоқадорлик ҳодисалари илмий тадқиқот ишларининг объекти сифатида ўрганилмоқда.

Яқин ўтмишгача ўзбек адабиётининг сара намуналари ўзбек тилидан хорижий тилларга, жаҳон адабиёти дурдоналари эса ўзбек тилига билвосита таржима қилинган. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитишга, жаҳон ҳамжамияти билан бевосита мулоқот қила оладиган мутахассислар тайёрлашга, турли соҳаларга оид адабиётларни хорижий тиллардан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан хорижий тилларга бевосита таржима қиладиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда эса мазкур соҳада бевосита таржима амалиётларини янада юқори босқичга олиб чиқиш эҳтиёжи туғилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юртимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш»[1] масалаларининг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши таржимашунослик соҳасида кенг кўламда илмий изланишлар олиб бориш, шу соҳага оид ўқув-методик қўлланмалар яратиш ҳамда ўзбек тилидан хорижий тилларга ва хорижий тиллардан ўзбек тилига бевосита таржима қила оладиган таржимонлар тайёрлаш ишларини янги босқичга олиб чиқди.

Таржимашуносликда адекват таржимага эришиш нафақат таржима амалиётида улкан тажрибага эга бўлиш, балки таржиманинг назариясини ҳам пухта ўзлаштиришни тақозо этади. Халқлар маданияти, турмуш тарзи, анъаналарини акс эттирувчи латифалар тилда қайси воситаларнинг қўлланиши натижасида юзага келиши, хорижий тилга қандай таржима қилиниши, латифани чет тилига ўгиришнинг энг оптимал ифодалаш йўлларини аниқлаш ечимини кутаётган муаммолардан ҳисобланади. Латифаларни таржима қилишнинг лингвостилистик ва лингвокультурологик

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони./Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. – № 28

хусусиятлари, миллий-маданий лексик бирликларнинг эквивалентлиги ва уларни турли трансформациялардан фойдаланиб таржима қилиш устида етарлича тадқиқот олиб борилмаган. Бу эса ушбу мавзуни тадқиқ қилиш заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875 сонли «Чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳажвия, ҳажвий матнларнинг лингвистик хусусиятлари, латифаларни таржима қилиш муаммоларига бағишланган тадқиқот ишлари хорижда В.Раскин, А.Салвадоре, Ж.Сузанна, С. Ди Маио, Ф. Христиан, А.Росс, Е.М.Родина, А.А.Проскурина, Ч. Тхань Тунг, Е.М Александрова[2] томонидан олиб борилган. Ўзбекистонда Ш.Абдураҳмонов, С.Махсумхонов, Б.Сувонқулов, Ҳ.Юсупова[3] бадиий нутқда кулги қўзғатувчи лисоний воситалар, ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари ва латифаларни таржима қилишда миллий колоритнинг ифодаланиши борасида илмий изланишлар олиб борган.

---

[2] Raskin V. Semantic Mechanisms of Humor. – Dordrecht, Boston, Lancaster: D. Redial Publishing Company, 1985. – 308 p; Attardo S. From Linguistics to Humor Research and Back: Applications of Linguistics to Humor and Their Implications for Linguistic Theory and Methodology. PhD thesis. – Indiana: Purdue University, 1991. – 136 p; Jaskanen S. On the Inside Track to Loser Ville, USA: Strategies used in Translating Humour in Two Finnish Versions of Reality Bites. MA Thesis. – Helsinki: University of Helsinki, 1999. – 82 p; Sara Di Maio. Structured Resource for Computational Humor. PhD thesis. –Siena: The University of Siena, 2000. – 134 p; Hempelmann Christian F. Paronomasic Puns: Target Recoverability Towards Automatic Generation. PhD thesis. –Indiana: Purdue University, 2003. – 132 p; Alison R. Language of Humour. – London and New York, 2005. – 129 p; Родина Е.М. Лингвостилистические особенности короткого юмористического рассказа: опыт социопрагмалингвистической интерпретации: на материале немецкого языка: Дисс. ... канд. филол. наук. – Пятигорск, 2002. – 196 с; Проскурина А.А. Прецедентные тексты в англоязычном юмористическом дискурсе: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Самара, 2004. – 18 с; Чан Тхань Тунг. Русский юмористический текст на фоне вьетнамский лингвокультурной традиции: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2004. – 18 с; Александрова Е.М. Перевод анекдота: проблемы адекватности и эквивалентности: на материале французских и русских анекдотов: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2005. – 25 с.

[3] Абдураҳмонов Ш.А. Ўзбек бадиий нутқида кулги қўзғатувчи лисоний воситалар: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 1997. – 23 б; Махсумхонов С. Абдулла Қодирий ижодида ҳажвий характер муаммоси (кичик насрий асарлар мисолида): Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2006. – 23 б; Сувонқулов Б.М. Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2008. – 26 б; Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртаклар, латифалар мисолида): Филол. фан. ном. ... дисс. –Т., 2011. – 149 б.

Жаскенин Сюзанна Ҳелен Чилдреснинг «Reality Bites» асарининг фин тилига таржимасида ҳажвияни таржима қилишда қўлланадиган стратегияларни кенг тадқиқ қилган[4]. Е.М Александрованинг тадқиқот ишида латифалар таржимасида адекватлик ва эквивалентлик муаммолари кенг ёритилган[5]. Ҳ.Юсупова ўзбек халқ эртаклари ва латифаларини инглиз тилига таржима қилишда миллий колоритнинг ифодаланиши борасида монографик тадқиқот олиб борган[6]. Бироқ таржимашуносликда ҳажвий матнларни, жумладан, латифаларни таржима қилишнинг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган. Тадқиқот шу жиҳатлар билан юқорида таъкидлаб ўтилган ишлардан фарқ қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-1-119 «Ўзбек адабиёти антологияси»ни инглиз тилига таржима қилиш ва адабиётлараро коммуникация муаммолари» (2014) мавзусидаги илмий тадқиқот иши билан боғлиқ равишда олиб борилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек халқ латифаларининг инглиз тилига таржимасида стилистик воситалар ва миллий-маданий лексик бирликларнинг хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

ҳажвий матнларнинг тилшуносликда ўрганилишини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш ва Афанди латифаларининг инглиз тилига таржималари тарихини ўрганиш;

ҳажвий матн ва таржима тушунчаларининг моҳиятини ёритиш;

ҳажвий матнлар таржимасида қўлланадиган таржима методлари ва трансформацияларини белгилаб бериш;

Афанди латифаларида қўлланган стилистик воситаларни аниқлаш ва уларни таржимада берилиш хусусиятларини асослаш;

тропларнинг таржима қилиш стратегияларини ишлаб чиқиш;

латифаларни таржима қилишда линвокультурологик ёндашувни асослаб бериш;

Афанди латифаларининг инглиз тилига таржимаси хусусиятлари ва миллий-маданий лексик бирликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

миллий-маданий лексик бирликларнинг таржима қилиш ҳусусиятларини тавсифлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** ўзбек халқ латифалари ва уларнинг инглиз тилига таржимаси.

---

[4]Jaskanen S. On the Inside Track to Loser Ville, USA: Strategies used in Translating Humour in Two Finnish Versions of Reality Bites. MA Thesis. – Helsinki: University of Helsinki, 1999. – 82 p.

[5]Александрова Е.М. Перевод анекдота: проблемы адекватности и эквивалентности: на материале французских и русских анекдотов. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2005. – 25 с.

[6] Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртаклар, латифалар мисолида): Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2011. – 149 б.

**Тадқиқотнинг предмети** ўзбек халқ латифаларининг инглиз тилига таржимасида лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятларни тавсифлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тавсифий, қиёсий-типологик, трансформацион, компонент ҳамда семантик майдон таҳлили ва лингвостатистик методлардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

таржимада эквивалентлик ва адекватлик, таржимага маданиятнинг таъсири латифалар таржимаси асосида исботланган;

латифалар таржимасида сўзма-сўз, мослаштириш, ижодий таржима методлари қўлланиши далилланган;

ўзбек халқ латифаларида метафора, метонимия, киноя, муболаға, шахслантириш, аллюзия стилистик усуллари фаол қўлланганлиги тавсифланган ва уларни инглиз тилига таржима қилиш усуллари ишлаб чиқилган;

латифаларда миллий-маданий лексик бирликларни таржима қилиш трансформациялари таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

таржима жараёнида адекват таржимага эришиш учун таржима методлари ва трансформациялари батафсил ўрганилган ва ҳажвий матнлар таржимасида самарали қўлланиладиган таржима методлари ва трансформациялари таклиф этилган;

стилистик воситаларни таржима қилиш стратегиялари ва миллий-маданий лексик бирликларни таржима қилиш усулларининг самарадорлиги ҳажвий матнларни таржима қилишда, таржимон тайёрлайдиган олий ўқув юртларида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда аҳамиятли эканлиги белгилаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** таржимон ва филолог тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида мутахассислик фанларини, жумладан, «Таржимон мутахассислигига кириш», «Таржима назарияси», «Ёзма таржима», «Бадиий таржима» кабиларни ўқитишда, дарслик, ўқув қўлланмалар яратишда, шунингдек, таржиманинг лингвостилистик ва лингвокультурологик аспектлари бўйича изланиш олиб борадиган тадқиқотчилар учун муҳимлиги билан белгиланади. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан ИТД-1-119 «Ўзбек адабиёти антологияси»ни инглиз тилига таржима қилиш ва адабиётлараро коммуникация муаммолари», ОТ-А1-53 «Таржима назарияси ва амалиёти факультети учун «Translation in Use» дарслигини яратиш ва нашр қилиш» каби илмий-амалий лойиҳалар,

таржимашунослик, лексикология соҳаларида яратиладиган турли хил луғатлар учун ҳам аҳамият касб этади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари тадқиқоти бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

тадқиқот давомида илмий асосланган таржима методлари ва трансформацияларига оид назарий хулосалар асосида ИТД-1-119 рақамли «Ўзбек адабиёти антологияси»ни инглиз тилига таржима қилиш ва адабиётлараро коммуникация муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа доирасида Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» қиссаси инглиз тилига таржима қилинган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 21 сентябрдаги ФТА-02-11/645-сон маълумотномаси). Мазкур ҳикоянинг инглиз тилига таржимасида ўзбек халқи маданияти, қадриятлари, анъана ва урф-одатларини англатувчи миллий-маданий лексик бирликларнинг берилиши таржимон маҳоратини аниқлашга хизмат қилган;

ишда эришилган илмий натижалар, ҳусусан, стилистик воситаларни таржима қилиш стратегиялари ва миллий-маданий лексик бирликларни таржима қилиш трансформацияларидан Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармасида «Саодат йўли» номли китобни тайёрлашда фойдаланилган (Улуғбек жамғармасининг 2017 йил 19 сентябрдаги 47-сон маълумотномаси). Жорий этилган материаллар мақоллар, ҳикматлар, нодир фикрлар, оталар ўгитларининг таржимасида стилистик воситалар ва миллий-маданий лексик бирликларнинг контекстуал маъносини ўрганишга хизмат қилган;

таржима трансформациялари ОТ-А1-53 рақамли «Таржима назарияси ва амалиёти факультети учун «Translation in Use» дарслигини яратиш ва нашр қилиш» мавзусидаги лойиҳа доирасида «Кетма-кет таржима» дарслигини яратишга татбиқ қилинган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 21 сентябрдаги ФТА-02-11/645-сон маълумотномаси). Мазкур дасрлик таржимон тайёрловчи барча олий ўқув юртларида талабаларга таржимани ўқитишда асосий ўқув-методик қўлланмалардан бири бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси**. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши**. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг асосий ҳажми 146 бетни ташкил этади.

# ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети усуллари аниқланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Жаҳон таржимашунослигида ҳажвий матнлар таржимаси ўрганиш объекти сифатида»** деб номланган биринчи бобида тилшуносликда ҳажвий матнлар таржимасининг ўрганилиши, ўзбек халқ латифаларининг инглиз тилига таржималари тарихи, ҳажвий матн ва таржима тушунчаларининг моҳияти, ҳажвий матн таржимаси методлари ва трансформациялари тадқиқ этилган.

Ҳажвия, ҳажвий матнларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш ҳамда уларни таржима қилиш юзасидан хориж ва ўзбекистонлик бир қанча олимлар илмий изланишларни амалга оширишган. Жумладан, хорижда В.Раскин, А.Салвадоре, Ж.Сузанна, С. Ди Маио, А.Димитрис, Ф. Христиан, А.Росс, Е.М.Родина, А.А.Проскурина, Ч. Тхань Тунг, Е.М Александрова, юртимизда Ш.Абдураҳмонов, С.Махсумхонов, Б.Сувонқулов, Ҳ.Юсупова ва бошқалар ҳажвия механизмлари, ҳажвия назариялари, ҳажвий матнларни таржима қилиш муаммолари ва стратегиялари борасида илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Хар бир халқнинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятларини ифодалайдиган халқ оғзаки ижоди бўладики, унинг характери, белгиси фақат ўша халқнинг ўзигагина тегишли бўлади. Ана шундай фольклор жанрларидан бири латифадир.

Латифа – ўзбек фольклорининг кенг тарқалган мустақил эпик жанрларидан бири. У ҳажман кичик, мазмунан лўнда бўлади ва бир ёки икки эпизоддан ташкил топади. Ўзбек латифаларининг сюжетини ташкил этувчи эпизодлар – фош этувчи, ўткир ҳажв ёки енгил юмор, танқидий эстетик вазифани адо этади ҳамда воқеа-ҳодиса ечимида ҳал қилувчи роль ўйнайди – қаҳрамоннинг ғалабасини, айни пайтда қарши томоннинг кулги ҳолатидаги мағлубиятини таъминлайди[7]. Латифаларда кулги стилистик усуллар ва халқнинг урф-одатлари, турмуш тарзи, қадриятларини англатувчи лексик бирликлар ёрдамида ҳам яратилади.

Латифаларнинг инглиз тилига қилинган таржималари хусусида Б.Шамсиева ўзбек халқ латифаларининг инглиззабон мамлакатлардаги таржималарини тасвирий-амалий нуқтаи назардан таҳлил қилган. Тадқиқотчи илмий изланишларида, асосан, ўнга яқин латифаларни ўрганиб, «Е, тўним», «Шўрвасининг шўрваси», «Қозон ҳам ўладими», «Чопон»

[7] Юсупова Ҳ.У. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртаклар, латифалар мисолида). Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2011. – Б.110.

латифалари таржимаси устида тўхталар экан, фақатгина таржима таҳлилини беради ва йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида фикр юритади. Афанди латифаларининг рус тилидаги вариантларидан фойдаланган муаллиф сарлавҳалардаги камчиликларни изоҳламай, аксинча, таржима таҳлилини беради. Шунингдек, ўзбек адабиёти ва фольклорини эстетик баҳолаш ўз тадқиқот доирасига кирмаслигини таъкидлайди[8].

Ўзбек халқ латифаларининг инглиз тилига таржималарини Идрис Шоҳ, Мэрилин Петерсон, Руслан Ҳакимов тўпламларида учратиш мумкин. 1974 йил Лондонда чоп этилган И.Шоҳнинг «The Exploits of Incomparable Mulla Nasriddin»[9] тўпламида Насриддин Афанди ҳақидаги 111 та латифанинг инглиз тилига ўгирилган таржималари берилган ва шулардан 38 таси ўзбек халқ латифалари эканлиги аниқланган[10].

2000 йили АҚШда чоп этилган «Treasury of Uzbek Legends and Lore»[11] номли китоб М.Петерсон томонидан инглиз тилига бевосита таржима қилинган бўлиб, ушбу тўплам ўзбек халқ эртаклари, ривоятлари, урф-одат ва латифалари таржимасидан иборат. Мазкур тўпламда 30 та ўзбек халқ латифаларининг инглиз тилига таржималари ўрин олган. Латифалар бўлими сарлавҳаси «Tales of Nasriddin Afandi» деб аталиб, таржимон бунда фольклорнинг икки жанри – эртак ва латифанинг ўқувчи тушунчасида аралашиб кетишига сабабчи бўлган[12].

2007 йил «Санъат» нашриёти томонидан чоп этилган «Khoja Nasriddin»[13] тўпламга киритилган латифалар сони 52 тани ташкил этади. Таҳлил жараёнида улардан 22 таси ўзбек халқ латифалари эканлиги маълум бўлди.

Ўзбек халқ латифаларининг инглиз тилига қилинган таржималари орасида локал кўринишдаги латифаларнинг таржималари ҳам мавжуд. О.Сафаров тўплаган бундай латифалардан 170 га яқини 1994 йил нашрдан чиққан «Ширинқишлоқ латифалари» тўпламида берилган бўлиб, улардан 27 таси М.Петерсон томонидан инглиз тилига ўгирилган. Булар «Treasury of Uzbek Legends and Lore» тўпламининг «The Anecdote» бобида берилган[14].

Олимларнинг латифа хусусидаги фикрларини ўрганиб чиқиб, унга қуйидагича таъриф бердик: Латифа – инсон ҳаётида содир бўладиган қизиқарли воқеаларга асосланган кичик ҳикоя бўлиб, у ҳар бир халқ тилининг ўзига хос тасвирий ифодалари ҳамда миллий маданиятини акс эттирувчи лексик бирликлар ёрдамида яратилади ва инсонларга кулги ҳадя этиш учун қўлланади. Одатда латифалар халқ оғзаки ижодиёти намуналари ҳисобланиб, инсонлар улардан

---

[8] Шамсиева Б. Вопросы узбекского фольклора в зарубежном литературоведении. Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1994 – С.174

[9] Shah I. The Exploits of Incomparable Mulla Nasriddin. – London, 1974. – P.112.

[10] Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртаклар, латифалар мисолида)». Филол. фан. ном. ... дисс. –Т., 2011. – Б.149.

[11] Peterson Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore. – T., Qatortol-Kamolot, 2000. – P.188.

[12] Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртаклар, латифалар мисолида)». Филол. фан. номз. .... дисс. – Т., 2011. – Б.117.

[13] Ҳакимов Р. Khodja Nasriddin. – Т., Санъат, 2007. – P.132.

[14] Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртаклар, латифалар мисолида)». Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2011. – Б.124.

келгуси авлодни эзгулик руҳида тарбиялаш мақсадида фойдаланади. Латифаларнинг муаллифи маълум бир шахс ҳисобланмайди.

Таржима – бу бир тилдаги сўз, гап, матнларни таржима тилига икки тилнинг лингвистик хусусиятлари: лексик-семантик, стилистик, морфологик ҳамда экстралингвистик хусусиятлари: лингвокультурологик, прагматик ҳамда когнитив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб ўтиш жараёнидир.

Таржима методи таржимон томонидан матннинг услуб жиҳатидан тури (бадиий, публицистик, илмий, расмий-идоравий ва сўзлашув) аниқлангандан сўнг танланади. Тадқиқот ишимизнинг объекти сифатида ўрганилаётган, ҳажвий матнлар, хусусан, латифалар таржимасида сўзма-сўз, мослама, ижодий таржима методларидан фойдаланишни таклиф этдик.

Таржимашуносликда матннинг кичик бирликлари, яъни сўзлар, иборалар, сўз бирикмалари, мақоллар, маталлар ва афоризмлар кабиларни ўгириш учун қўлланадиган методлар таржима усуллари таржима трансформациялари терминлари билан талқин қилинади. Э.Азнаурова, Л.Бархударов, В.Комиссаров ва Н.Қамбаровнинг фикрига таянган ҳолда матннинг кичик бирликларини ўгиришга мўлжалланган таржима методларига нисбатан таржима трансформациялари терминини қўлладик ва уларнинг қуйидаги умумлашган таснифини таклиф этдик: сўз ўзлаштириш, калькалаш, сўзма-сўз таржима, ўзгаришлар, модуляция, эквивалентлик, маданий эквивалентлик, тасвирий эквивалентлик, функционал эквивалентлик, шаклий эквивалентлик, мослаштириш, тушириб қолдирилган сўз ўрнини қоплаш, аниқлик киритиш, қисмларга ажратиш, кенгайтириш, торайтириш, кучайтириш, камайтириш, маънони очиб бериш, яширин маъно бериш, умумлаштириш, тафсиллаш, сўз тартибининг ўзгариши, антонимик таржима, транскрипция, транслитерация, сўз қўшиш, сўз тушириб қолдириш, сўз мақомини бошқа тил хусусиятига мослаштириш, бошқа сўзлар билан ифодалаш, усуллар уйғунлиги, эслатмалар ва изоҳлаш.

Ҳажвий матнларни таржима қилишда таржима трансформациялари ҳам фаол қўлланиши аниқланди. Чунки ҳар қандай тилда кулгини келтириб чиқарувчи бир неча лингвистик воситалар борки, таржима жараёнида айнан уларнинг таржимасига урғу қаратиш натижасида кулги эффекти таржима матнида ҳам сақлаб қолинади.

Диссертациянинг **«Ўзбек халқ латифаларини инглиз тилига таржима қилишнинг лингвостилистик хусусиятлари»**га бағишланган иккинчи бобида латифаларда стилистик усулларнинг қўлланиши ва уларнинг таржима қилиш стратегиялари борасида сўз юритилади.

Тадқиқот жараёнида инглиз тилига ўгирилган ўзбек халқ латифаларининг аслият намуналарида метафора, метонимия, киноя, муболаға, шахслантириш ва аллюзия стилистик воситалари фаол қўллангани, таржима матнида эса стилистик воситалар баъзи ҳолатларда тушириб қолдирилгани ва баъзилари эса ўз ифодавийлигини йўқотганлиги аниқланди. Натижада таржимада баъзи ғализликлар пайдо бўлган, аслият матнидаги кулги эффекти таржима матнига олиб ўтилмаган, баъзи латифаларнинг таржимаси аслият матнига шакл ва мазмун жиҳатдан мос тушмаган. Бу ҳолат

икки тилнинг ўзига хос лингвистик хусусиятларидан ташқари, тил соҳибларининг маданияти билан ҳам боғлиқдир.

«Қозон ҳам ўладими?» сарлавҳали латифада «*қозоним ҳомиладор*», «*туғиш ойи – шу ой*», «*агар қозоним сизнинг қўлингизда туғиб қолса, албатта боласи билан келтириб беринг!*», «*қозоннинг ҳомиладорлиги*», *«бечора вафот этди»* каби жумлаларда метафора стилистик усули 14 холатда қўлланилган.

Таржимада *«I have given you the offspring of your property which was born when the pots were in my care», «they are dead», «We have established have we not, that pots are mortal»* жумлаларида метафорик кўчма маъно акс этган. Демак, аслият матнида 14 ҳолатда метафора стилистик усули қўлланган бўлса, таржима матнида 3 ҳолатдагина метафора орқали яратилган тасвирий ифода мавжуд. Таржима матнида *«қозоним ҳомиладор», «туғиш ойи – шу ой», «агар қозоним сизнинг қўлингизда туғиб қолса, албатта боласи билан келтириб беринг», «қозоннинг ҳомиладорлигини», «туғса», «бир неча кун ўтса», «қозонингиз ҳомиладор экан», «ғазаби қайнаб кетган», «қозон ҳам ўладими», «жиддий вазиятда туриб», «қозоннинг туғишига, боласини олиб қолсанг-у, ўлганига ишонмайсанми?»* жумлалари тушириб қолдирилган.

Ўзбек халқ латифаларидаги стилистик усулларнинг таржимада тушиб қолиш ҳолатлари «Бизникига ўлик келаётибди» сарлавҳаси остидаги латифанинг инглиз тилига ўгирилган таржимасида ҳам акс этган. Латифада *«тобут ёнида кетаётган икки киши навбатма-навбат «жигарим»лар эди», «Вой жигарим, тагингизга солгани битта бўйра ҳам бўлмади...»* жумлаларида метонимия стилистик усули қўлланган бўлиб, инглиз тилига ўгирилганда мазкур жумлалар тушириб қолдирилганлиги кузатилди. *«Жигарим»* сўзи ўз маъносида эмас, балки метонимик кўчма маънода ишлатилади. *«Жигарим»* деганда бир ота-онадан тарқаган қариндош-уруғлар назарда тутилади. Бу ерда эса аслиятда *«жигарим»* сўзи орқали инсон назарда тутилмоқда. Метонимиянинг кўринишларидан бири, бу – қисм орқали бутун ёки бутун орқали қисмга ном кўчиш ҳолати.

Матнда тил бирликларини ўта муболағали қўллаш ҳам кучли киноявий кулгини хосил қилади. Бундай бадиий матнларнинг таъсирчанлиги ҳам юқори даражада бўлади. «Е, тўним» сарлавҳаси остидаги латифадаги киноя стилистик усули *«Модомики, бутун ҳурмат, эҳтиром янги тўнга экан, таомни ҳам у есин-да деб жавоб берди»* жумласида қўлланган бўлиб, таржимон И.Шоҳ мазкур жумлани *«the cloak got me in here, got me the food. Surely it deserves its portion»* тарзида таржима қилган. Бу ерда ҳам аслиятдаги киноявий маъно қисман йўқолган. Аслиятда *«мезбон менга эмас, менинг тўнимга қараб мени кутиб олди, аслида бу кийим хеч нарсани англатмайди»* маънолари мавжуд. Таржима матнида эса, *«бу ерга мени плаш олиб келди, у менга овқат берди, бу унинг ҳаққи»* жумласи орқали юқорида таъкидланган маънолар ифодаланмаган.

Латифалар таржимасида ўзбек тилининг тасвирий ифодаси акс этмаган ҳолатни «Хачирдан сўра» сарлавҳаси остидаги латифада ҳам кузатиш мумкин. Ушбу матндаги *«Мен қаёқдан биламан, хачирдан сўра»* жумласида

персонификация стилистик усули орқали ҳайвон инсонга ўхшатилмоқда. Лекин таржимада бундай ўхшатиш ўз ифодасини топмаган. Ушбу жумла *«now I am going to where my donkey will decide to go»* тарзида таржима қилинган. Бунда аслият матнидаги стилистик бўёқдорлик йўқолган. Чунки, эшак қорни оч бўлса, ўтлоқ томонга юришга ёки чанқаган бўлса, сув томонга юришга қарор қилиши мумкин. «Ўжар қайнона» латифасида *«У дарёга чўкиб кетганда ҳам сув юрадиган томонга оқмай, тескарисига оқади»* жумласида муболаға қўлланган. Лекин таржимада бу стилистик бўёқдорлик акс этмаган. Таржима матнида *«ҳамма оқим бўйлаб оқса, биз оқим юқорисини қарашимиз керак»* жумласи акс этади. Таржимон И.Шоҳ Афандининг қайнонасининг хислатини акс эттирувчи *«Эй-й, сизлар менинг қайнонамни билмайсизлар: у шундай қайсар эдики, доим одамнинг айтганига юрмай, тескарисига юрар эди»* жумласини таржимада акс эттирмаган. Натижада таржима матни китобхон тасаввурида «сувга чўккан одамни нега оқим юқорисидан қидириш керак» деган савол пайдо бўлишига сабаб бўлган. «Ўзим билиб ишимни қиламан» латифасида *«Ё, девонаи Баҳовиддин, мадад қилинг»* жумласи орқали аллюзия стилистик усули қўлланган, бироқ таржимада ушбу жумла *«Oh, God, implored he, Save our Lives?»* тарзида таржима қилинган. Фикримизча, ушбу жумла *«Oh, saint Bahoviddin (one of the founders of visionary science in Central Asia)»* тарзида таржима қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тадқиқотнинг **«Ўзбек халқ латифаларини инглиз тилига таржима қилишнинг лингвокультурологик хусусиятлари»**га бағишланган учинчи бобида ҳажвий матнларни таржима қилишда лингвокультурологик ёндашув ҳамда латифаларда миллий-маданий лексик бирликларнинг қўлланиши ва уларни таржима қилиш масалалари ҳақида фикр юритилган.

Миллий-маданий ўзига хослик лексиканинг турли қатламларида ифодаланади. Бундай лексик бирликлар инсон ҳаёти ва унинг барча ранг-барангликларини акс эттиради. Ш.Сафаровнинг таъкидлашича, «ҳар бир шахснинг лисоний қобилияти ва мулоқот малакаси маълум маданият ҳудудида, маданий муҳитда шаклланади ва фаоллашади. Шундай экан, инсоннинг тафаккур ва лисоний фаолияти жараёнида юзага келадиган бирликларнинг структуравий ва мазмуний сатҳларида маданий элементларнинг акс этиши табиийдир»[15].

Ўзбек халқ латифаларида ҳам ўзбек халқи маданияти, қадриятлари, анъана ва урф-одатлари, менталитети, расм-русумларини англатувчи лексик бирликлар мавжудки, уларни таржима қилишда таржимон баъзи қийинчиликларга дуч келиши табиий.

Инглиз тилига таржима қилинган *«Салла ва савод»*, *«Салла – чопоннинг эгаси»* латифаларида «*салла*» миллий-маданий лексик бирлиги қўлланилган бўлиб, таржимон М.Петерсон ушбу сўзнинг инглиз тилидаги эквиваленти сифатида «*turban*» сўзини танлаган. Фикримизча, таржимон бу сўзни тўғри таржима қилган. Чунки «*turban*» айнан *«салла»*нинг эквиваленти бўла олади.

---

[15] Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 65.

*Turban – a long piece of cloth wound tightly around the head, worn, for example, by Muslims or Sikh men*[16]. Бироқ ўзбек халқ миллий кийими ҳисобланган «чопон», «тўн» миллий-маданий лексик бирлиги инглиз тилига таржима қилинган *«Ғавғонинг боиси», «Салла – чопоннинг эгаси», «Барибир келади», «Подшонинг инъоми», «Тўн ичида ўзим ҳам бор эдим», «Е, тўним», «Нодон экансиз-ку!»* каби ўзбек халқ латифаларида қўлланилган бўлиб, таржимонлар уларни «*robe*», «*cloak*» ва ҳатто «*blanket*» деб таржима қилган. *«Blanket»* сўзининг ўзбекча эквиваленти «кигиз» ҳисобланади. Демак, бу сўзлар «*тўн*», «*чопон*» сўзларига муқобил бўла олмайди. Фикримизча, бу сўзларга қуйидагича изоҳ берилса мақсадга мувофиқ бўлади: *chopon (ton) – one of the Uzbek national clothes like a coat which has no button and collar and wadded. It is worn not only everyday but also in mourning, wedding ceremonies.* Чунки *«тўн», «чопон»* ҳар куни кийиладиган кийим бўлиб қолмасдан ўзбек халқининг тўй, мотам маросимларида ҳам кийилади.

«Мушук қани?» латифасида «*ёвғон*» сўзи инглиз тилидаги «*porridge*» сўзи билан берилиши ўзбекона турмуш тарзига мос эмас. «*Porridge*» инглизлар ҳаётида бўтқа, енгил овқат маъноларини билдиради. Ўзбеклардаги ёвғон овқат эса, одатда, гўштсиз бўлиб, унга бошқа ҳамма масалликлар меъёрида солиниб пиширилади. Фикримизча, «ёвғон» сўзини инглиз тилига транслитерация қилиб, унинг қуйидагича изоҳини берса, мақсадга мувофиқ бўлар эди: *yovgon- meal is prepared putting all vegitables and relish except meat.*

«Думба-жигар» латифасидаги ўзбек халқининг турмуш тарзига хос *«думба-жигар»* овқат номи инглиз тилига *«liver pie»* деб таржима қилинган. Думба-жигар – думба ёғи ва жигардан тайёрланган овқат ёки газак.[17] Демак, думба-жигар ёғли, кучли калорияли, гўштли овқат. *Liver Pie – a food that consists of meat, vegetables, or fruit cooked inside a case of pastry.*[18] Бундан маълумки, инглиз тилидаги *«liver pie»* гўшт, сабзавотлар ёки меваларни аралаштириб, қандолат махсулотларига ўхшаб пишириладиган таом бўлиб, енгил таом сифатида тановул қилинади. Инглиз ва ўзбек халқларининг бу таомларини таққосласак, бир-бирига қарама-қарши хусусиятга эга таомлар эканлиги маълум бўлади. Бундай ҳолатда таржимон аслият матнидаги *«думба-жигар»* сўзини тасвирий таржима усулидан фойдаланиб, қуйидагича таржима қилса бўлар эди: *dumba-jigar – a food consists of sheep's fat and liver*.

«Нариги эшикдан» латифасида ўзбек халқининг миллий маданиятини ифодаловчи *«Хуш келибсиз, меҳмон, уйга киринг десам, Афанди йўқлар, энди борларида бошқа келарсиз, – деди»* жумласи мавжуд. И.Шоҳ ушбу жумлани оддийгина *«Nasrudin is out»* тарзида таржима қилган. Бу орқали ўзбек халқининг миллий одатлари таржимада ўз аксини топмаган. Фикримизча, ушбу жумла *«Assalomu alaykum, dear guest, welcome to our home. But now Afandi is out. Maybe you will come when he is at home»* деб таржима қилинса, миллийлик ҳам акс этарди.

[16] Hornby A.S. Oxford Advanced Learner's Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, 2005. – P.1649.
[17] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. – Т., 2007. 1-жилд. – Б. 660.
[18] Macmillan For Advanced Learners. Printed and bound in Malaysia, in 2010. – P.1123.

Тадқиқотда ўзбек халқ латифаларида кулги қўзғатувчи стилистик усуллар ҳамда миллий-маданий лексик бирликлар ва уларни таржимада акс этиш хусусияти юзасидан лингвостатистик таҳлил амалга оширилди ва қуйидаги натижаларга эришилди.

**Ўзбек халқ латифаларининг инглиз тилига таржималарининг лингвостатистик таҳлили**

| Тадқиқот материали | Аслият Таржима | Латифалар сони | Стилистик усуллар | | | | | | Миллий-маданий хусусият |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Метафора | киноя | метонимия | муболаға | шахслан-тириш | Аллюзия | |
| **Идрис Шоҳ** | аслият: | 770 | 54 | 10 | 13 | 5 | 2 | 0 | 17 |
| | таржима: | 38 | 17 | 7 | 4 | 2 | 2 | 0 | 3 |
| **Мэрилин Петерсон** | аслият: | 770 | 42 | 10 | 11 | 4 | 2 | 1 | 13 |
| | таржима: | 30 | 16 | 8 | 5 | 3 | 3 | 0 | 5 |
| **Руслан Ҳакимов** | аслият: | 770 | 23 | 4 | 12 | 2 | 1 | 1 | 3 |
| | таржима: | 22 | 15 | 4 | 5 | 0 | 0 | 0 | 1 |
| **Жами** | **аслият:** | **770** | **119** | **24** | **23** | **11** | **5** | **2** | **33** |
| | **таржима:** | **90** | **38** | **19** | **13** | **5** | **5** | **0** | **9** |

Идрис Шоҳ, Мэрилин Петерсон ва Руслан Ҳакимов томонидан инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифаларининг аслият ва таржима намуналари чоғиштирма аспектда таҳлил қилинган, шунингдек, ўзимизнинг таржима вариантимиз ҳам келтирилган. Тадқиқот якунида таржима қилинган намуналарда аслиятдаги кулги таъсири таржима матнида ҳам акс этишини инглиз тили вакиллари кўмагида ўрганилди. Тошкентдаги Британия мактаби мутахассислари: Волкер Матт, Кардал Ник, Макаулай Адриан инглиз тилига таржима қилинган латифаларнинг 12 тасини ўқиб, кулги таъсирининг акс этиш даражасини 1 баллдан 5 баллгача баҳолашди. Сўров натижасида баллар қуйидагича тақдим этилди. Умумий 60 (100%) баллдан: Волкер Мат 45 балл (75%), Кардал Ник 43 (72%) балл, Макаулай Адриан 42 балл (70%). Латифалар таржимасида кулги таъсирининг экс этиш муаммосини ўрганиш юзасидан таҳлил материаллари иловалар қисмида ҳавола этилган.

Латифаларни халқларнинг миллий маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзи, ўзига хос анъаналарини тўғри талқин қилган ҳолда хорижий тилларга таржима қилиш аслиятдаги кулгини таржима матнига ҳам олиб ўтишда катта аҳамиятга эга. Бу латифаларни таржима қилишда адекват таржимага эришишга ва ўқувчининг аслият матнидаги кулгини тўлақонли ҳис этишига ёрдам беради.

# ХУЛОСА

1. Тадқиқот жараёнида ўзбек ва инглиз тилларининг лингвистик хусусиятлари ва бу икки халқнинг маданиятидаги фарқлар сабабли ўзбек халқ латифаларининг инглиз тилига таржималарида кулги эффектини юзага келтирувчи стилистик воситалар ва миллий-маданий лексик бирликларни инглиз тилига ўгириш жараёнида таржимонлар эквивалент ва адекват таржимага эришишда муаммоларга дуч келган.

2. Таржимашуносликда таржима методи матннинг услуб жиҳатидан тури (бадиий, публицистик, илмий, расмий-идоравий ва сўзлашув)га кўра танланади ва латифалар таржимасида сўзма-сўз, мослаштириш, ижодий таржима методлари қўлланади.

3. Таржима трансформацияси матндаги кичик лексик бирликлар, яъни сўзлар, иборалар, миллий-маданий лексик бирликлар, сўз бирикмалари, мақоллар, маталлар ҳамда афоризмлар кабиларни таржима қилиш учун қўлланади ва уларнинг сўз ўзлаштириш, калькалаш, сўзма-сўз таржима, ўзгаришлар, модуляция, эквивалентлик, маданий эквивалентлик, тасвирий эквивалентлик, функционал эквивалентлик, шаклий эквивалентлик, мослаштириш, тушириб қолдирилган сўз ўрнини қоплаш, аниқлик киритиш, қисмларга ажратиш, кенгайтириш, торайтириш, кучайтириш, камайтириш, маънони очиб бериш, яширин маъно бериш, умумлаштириш, тафсиллаш, сўз тартибини ўзгартириш, антонимик (тескари) таржима, транскрипция, транслитерация, сўз қўшиш, сўз тушириб қолдириш, сўз мақомини бошқа тил хусусиятига мослаштириш, бошқа сўзлар билан ифодалаш, усуллар уйғунлиги, эслатмалар турлари тавсифланди.

4. Тадқиқот жараёнида ўзбек халқ латифаларининг 90 таси инглиз тилига таржима қилингани, аслият матнларида 184 ҳолатда мавжуд лингвостилистик хусусиятлар таржимада 79 ҳолатдагина акс этганлиги, 33 ҳолатдаги миллий-маданий лексик бирликлар таржимада 9 ҳолатдагина ўз аксини топганлиги аниқланди.

5. Таҳлил жараёнида ўзбек халқ латифаларида қўлланилган тропларнинг лингвостатистик таҳлили амалга оширилди ва метафора 65%, метонимия 12%, киноя 13%, муболаға 6%, шахслантириш 3%, аллюзия 2% стилистик воситалари фаол қўлланилгани ва таржима жараёнида ушбу стилистик воситаларнинг баъзилари таржимадан тушириб қолдирилгани, баъзилари эса таржима матнида ўз тасвирий ифодавийлигини йўқотганлиги маълум бўлди; таржима матнида стилистик воситаларнинг акс этиш кўрсаткичи қуйидагича белгиланди: метафора 48%, метонимия 16%, киноя 22%, муболаға 6%, шахслантириш 6%, аллюзия 0 %.

6. Таржима жараёнида матнни ўгириш учун метод ва матндаги кичик бирликларни таржима қилиш учун трансформация танлаш таржима стратегияси эканлиги аниқланди ва тадқиқотда стилистик воситаларни таржима қилишнинг қуйидаги стратегиялари ишлаб чиқилди: а) таржимада метафорани худди шундай метафорага айлантириш, таржима жараёнида аслият тилидаги ифодани таржима тили маданиятига мос стандарт ифода

билан алмаштириш, мазмунидан фойдаланган ҳолда худди шундай метафора яратиш, метафора маъносини таржима тилида акс эттириш; б) метонимия таржимасида сўзлар қўшиш, ўзгартириш ва бошқа сўзлар билан ифодалаш; в) кинояни таржима қилишда сўзма-сўз таржима, «эквивалент таъсир» таржимаси, бошқа сўз ва ибораларидан фойдаланиш; г) муболаға таржимасида гапларни бирма бир таржима қилиш; д) шахслантириш таржимасида шахслантирилаётган ҳайвонни вазифаси жиҳатидан таржима тилига мос тушадиган ҳайвон билан алмаштириш, шахслантиришни ўхшатишга айлантириш, аслият матнидаги шахслантиришни ҳаволада изоҳлаш; е) аллюзияни манба тилидаги исмни таржима тилидаги исм билан алмаштириш, ҳаволалар, матн охиридаги шарҳлар ва бошқа батафсил изоҳлардан фойдаланиш.

7. Ўзбек халқ латифаларида миллат маданияти акс этган воқеа ва ҳодисалар, миллий қадриятлар, расм-русумлар, анъаналар, урф-одатлар ҳисобланган маданий белгилар асосида кулги таъсирини берувчи тил бирликлари ва стилистик воситалар таржимонлар томонидан етарлича эътиборга олинмаган ва Афанди латифаларининг инглиз тилидаги таржималарида баъзи ғализликлар пайдо бўлган.

8. Ўзбек халқ латифаларида асосий комик қаҳрамон – Насриддин Афанди антропоними инглиз тилига «Nasriddin», «Khodja», «Mulla» сўзлари билан берилиши асослаб берилди.

9. Латифаларда ўзбек халқининг миллий қадриятлари, урф-одатлари, анъаналари, расм-русумлари, турмуш тарзини ифодаловчи миллий-маданий лексик бирликлар юзасидан лингвостатистик таҳлил ўтказилди ва қуйидагича кўрсаткич белгиланди: улар аслият матни латифаларида 37%, таржима матни латифаларида 10%.

10. Маданиятнинг бир бўлаги ҳисобланган латифаларни хорижий тилга ўгиришда таржимонларни муаммоларга дуч келиши қуйидаги омиллар билан белгиланди: а) таржимон етарли даражада фон билимга эга эмаслиги, б) унинг икки хил маданиятнинг бир-биридан фарқли маданий кодга дуч келиши; в) икки тилнинг ўзига хос жиҳатлари; г) аслият матнида кулги турли расм-русумлар, қарашлар, урф-одатларга асосланган бўлиши.

11. Латифаларда қўлланган миллий-маданий лексик бирликларни таржима қилишда изоҳлаш, транслитерация, сўз ўзлаштириш, маданий эквивалентлик, функционал эквивалентлик, тасвирий эквивалентлик, эслатмалар, ММЛБ маъносини акс эттирадиган янги сўз яратиш, тасвирий таржима, аслият тилидаги ифоданинг маъносини тушунтириш каби таржима трансформациялари аслият матнидаги кулги эффектини таржимага олиб ўтишда самарали усуллар ҳисобланади.

12. Тадқиқотда келажакда латифаларни таржима қилишнинг прагматик хусусиятлари, сўз ўйини асосида яратилган латифалар, аскияларни таржима қилишнинг прагматик ва когнитив хусусиятлари борасида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш мумкинлиги белгилаб берилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. Fil.09.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ, УЗБЕКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

**ЮЛДАШЕВ УЛУГБЕК РАВШАНБЕКОВИЧ**

# ЛИНГВОСТИЛИСТИЧЕСКИЕ И ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕВОДА САТИРИЧЕСКИХ ТЕКСТОВ (НА ПРИМЕРЕ УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ АНЕКДОТОВ, ПЕРЕВЕДЕННЫХ НА АНГЛИЙСКИЙ ЯЗЫК)

**10.00.06 – сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2017 год**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под № B2017.2.PhD/Fil22.**

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице совета (www.tashgiv.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

| | |
|---|---|
| **Научный консультант:** | **Муминов Омон Муминович**<br>кандидат филологических наук, доцент |
| **Официальные оппоненты:** | **Қуранбеков Аҳмадқул**<br>доктор филологических наук, профессор |
| | **Турдиева Нилуфар Ёкубовна**<br>кандидат филологических наук |
| **Ведущая организация:** | **Национальный университет Узбекистана** |

Защита диссертации состоится «____»___________2017 года в 10 часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017. Fil 21.01. по присуждению ученой степени доктора философии при Ташкентском государственном институте востоковедения, Узбекском государственном университете мировых языков, Национальном университете им. М.Улугбека по адресу 100047, г. Ташкент, Мирабадский район, улица Шахрисабзкая, 16. Тел. (99871)233-45-21; факс (99871)233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного института востоковедения. Адрес: 100047, г. Ташкент, Мирабадский район, улица Шахрисабская, 16. Тел.: (99871)233-45-21

Автореферат диссертации разослан «____»____________2017 года.
(протокол рассылки за №_______ от«____»____________2017 года)

**А.М.Маннонов**
Председатель Научного совета по присуждению ученой степени, док. филол. н., профессор

**К.Ш.Омонов**
Ученый Секретарь Научного совета по присуждению ученой степени, док. филол. н., доцент

**Г.Х.Бакиева**
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени, док. филол. н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертация доктора философии (PhD) по филологии)

**Актуальность и востребованность диссертационной темы.** В мировом переводоведении большое внимание уделяется переводу на иностранные языки произведений, отражающих в себе национальную культуру, историю, обычаи, образ жизни, традиции и национальные ценности народов, и тем самым устанавлению международных литературных связей. Так, сатира является одним из компонентов понятия национальной культуры. За последние годы заметно увеличился объём научных исследований о сатирических текстах, отражающих культуру нации с точки зрения переводоведения, языкознания, культурологии, социологии. В частности, в переводоведении национально-культурные особенности перевода сатирических текстов, стратегии перевода сатиры, эквивалентность перевода и параметры адекватности при переводе анекдотов, явления межъязыковой соотнесённости при помощи перевода и посредничества изучаются в качестве объектов научных исследований.

До недавнего времени самые лучшие образцы узбекской литературы переводились опосредованно на иностранные языки, а шедевры мировой литературы также опосредованно переводились на узбекский язык. В годы независимости в нашей стране огромное внимание уделяется обучению иностранным языкам, подготовке специалистов, способных непосредственно общаться с людьми различных наций, подготовке высококвалифицированных специалистов, которые могут переводить напрямую различную литературу с иностранных языков на узбекский и с узбекского языка – на иностранные. В настоящее время в данной сфере возникает потребность в повышении уровня непосредственной переводческой практики. Предопределение в качестве приоритетного стратегического направления задач по «укреплению международного влияния Республики Узбекистан, представлению объективной информации мировому сообществу о реформах, проводимых в стране»[1], намеченных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годы, способствует расширению научных изысканий в области переводоведения, созданию учебно-методической литературы в данной сфере, а также открывает большие возможности для подготовки переводчиков, способных непосредственно переводить с узбекского языка на иностранные и с иностранных языков на узбекский.

